

ИШЧИ КУЧИНИ ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР

Мамарахимов Бекзод Эркинович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Фундаментал иқтисодиёт кафедраси доценти, и.ф.н. Тошкент, Ўзбекистон.
bekzod.82@mail.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss5/a31

Аннотация

Аҳоли, ишчи кучи ресурслари, иқтисодий фаол аҳолининг тузилиш ҳолати орқали ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ҳолатини тасвирлашга, уларни таркибий тузилиши назарий жиҳатдан ёритилган. Ўзбекистон Республикасида ишчи кучи ресурсларининг ҳолати таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ишчи кучи ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли, ишсизлик, ишчи кучи қиймати.

Аннотация

описывается ситуация воспроизводства рабочей силы через структуру населения, ресурсы рабочей силы, структуру экономически активного населения и теоретически объясняется их структурная структура. Проанализировано состояние трудовых ресурсов в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: ресурсы рабочей силы, экономически активное население, безработица, стоимость рабочей силы.

Abstract

The situation of reproduction of the labor force through the structure of the population, resources of the labor force, the structure of the economically active population is described, and their structural structure is explained theoretically. The state of labor resources in the Republic of Uzbekistan was analyzed.

Keywords: labor resources, economically active population, unemployment, labor cost.

Кириш

Бозор муносабатларини амалга оширишда ишчи кучи ресурсларининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммолари долзарб аҳамият касб этади. Чунки ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланиш орқалигина ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонининг 1-мақсадидаёқ “Маҳаллалар учун юқори малакали мутахассисларни мақсадли

тайёрлаш, барча маҳалла раислари ва ҳоким ёрдамчиларида бошқарув асослари, бандликни таъминлаш, банк-молия, томорқа, ер, чорвачилик ва паррандачилик бўйича кўникмаларни шакллантириш” мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар кўрсатиб берилган¹.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шунингдек, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ҳамма фазаларида ишчи кучи энг фаол омил ҳисобланади. Чунки бошқа ҳамма омиллар ишчи кучи ёрдамида ҳаракатга келтирилади, уларнинг қийматлари сақлаб қолиниб, янги маҳсулотга ўтказилади, янги маҳсулот янги қиймат шу ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида ишчи кучи томонидан яратилади. Шу сабабли мамлакат миқёсида ишчи кучининг мазмуни, таркиби, ишчи кучи бозорини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

“Ишчи кучи” тушунчасига кенг ва чуқур маъно сингдирилади. Ишчи кучининг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти, унинг турли ижтимоий-иқтисодий шароитлардаги хусусиятлари, турли ижтимоий-иқтисодий формацияларда такрор ишлаб чиқарилиши, тақсимоти, уни ўзлаштириш ва фойдаланиш механизми, у ёки бу жамиятнинг иқтисодий муносабатлар тизимида бу категориянинг роли ва аҳамияти жаҳон машҳур иқтисодчи олимларининг тадқиқот предмети бўлган. А.Смит ва Д.Рикардолардан тортиб, Ж.Кейнс, М.Фридман ва кўп сонли МДҲ олимлари томонидан ўрганилган.

Ишчи кучи – меҳнат жараёнида инсон томонидан сарфланадиган жисмоний ва маънавий қобилиятларнинг мажмуасидир. Замонавий хорижий иқтисодий назарияларда “ишчи кучи” атамаси кўпинча “ишчи кучи ресурслари” тушунчасининг синоними сифатида қўлланилади. Масалан, Р.Ж.Эренбергер ва Р.С.Смит бундай таъриф берганлар: “ишчи кучи” деганда ёши 16 дан юқори бўлган ходимлар ва эндиликда ишлаётганлар ёки фаол равишда иш қидириш билан банд бўлганлар ёхуд ишдан бўшатирилганларидан кейин хизматларга яна мурожаат қилишларини кутаётганлар тушунилади”². Халқаро меҳнат ташкилоти ҳам худди шунга ўхшаш нуқтаи назарга амал қилади.

“Ишчи кучи” атамаси кўп ҳолларда уч маънони англатишда ишлатилади:

- организм, тирик инсон шахси эга бўлган ва ҳар сафар у қандайдир истеъмол қийматини яратиш чоғида ишга соладиган жисмоний ва маънавий қобилиятлар мажмуи сифатида;

- аҳолининг иш билан банд бўлган ёки иш излаётган қисми-иқтисодий фаол аҳолининг синоними сифатида;

- умуман ишловчилар ёки муайян бир корхона ишчилари (кундалик турмушда одатда шундай фойдаланиладиган тушунча) сифатида.

“ишчи кучи” тушунчасини инсоннинг меҳнатга қодирлиги маъносида белгилашни киритибгина қолмай (ишлаб чиқариш учун одам ресурси деб эмас), балки ушбу тушунчанинг жисмоний маъносидан фарқли ўлароқ, имконлар ўлчами – олинган натижаларга тўғри келмаслиги, айти ишчи кучи қиймати ва у бажарган меҳнатнинг қиймати айти бир нарса эмаслиги тўғрисидаги қонидани ҳам шакллантирди.

¹ O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022 — 2026 yillarga mo`ljallangan Yangi O`zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to`g`risida”gi PF-60-sonli [Farmoni](#).

² Р.Ж.Эренбергер, Р.С.Смит Современная экономика труда: теория и государственная политика. М.:1996-й. 34-бет

Қ.Х. Абдурахмоновнинг таърифига кўра, «ишчи кучи ёки меҳнат қобилияти деганда, биз инсон организми, инсоннинг тирик шахсига эга бўлган ва у ҳар сафар бирон-бир истеъмол қийматини ишлаб чиқараётганида ишга соладиган жисмоний ва руҳий қобилиятларининг йиғиндисини тушунамиз»³.

Ишчи кучи деганда одамларнинг турли тоифалари тушуниланган. Ҳозирги кунда ушбу таърифдан ташқари яна бир қанча таърифлар мавжуд:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори⁴ амалда бўлган «ишчи кучи таркиби, иқтисодий фаоллиги ва иш билан бандликдаги мақоми тўғрисидаги маълумотларни таснифлаш бўйича асосий услубий қоида ҳисобланади;

-Халқаро Меҳнат Ташкилот (ХМТ) эълон қилган материалларда ишчи кучи деганда фақат иш билан банд ёлланма ходимлар, шунингдек ёлланма иш излаётган одамлар тушунилади.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолада хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг ишчи кучина такрор ишлаб чиқариш, ишчи кучи бозорини ривожлантиришга бағишланган илмий асарлари ўрганилган. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларининг таҳлилида статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танлама кузатув усулларидан фойдаланилди. Тадқиқот методологияси сифатида адабиётлар қиёсий таҳлили, мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш ва қиёсий таққослаш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

“Иқтисодий фаол аҳоли” тушунчаси халқаро меҳнат статистикаси терминологиясига 1996 йилдан бошлаб киритилди. Иқтисодий фаол деганда мамлакат аҳолисининг товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган ишчи кучи таклифи тушунилади. Ушбу талқин билан боғлиқ ҳолда, меҳнат фаолиятини бандлик билан боғлайдиган иқтисодий ёндашув ишлаб чиқилди. Ишсизларнинг хулқ-атворини ўрганишда меҳнат фаолиятини бандлик нуқтаи назаридан кўриб чиқиш, жумладан, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлиш истаги самарали бўлиши мумкин. Бироқ, бу ёндашув меҳнат жараёнига киритилган субъектнинг сифат ҳолатини ҳисобга олмайди. Тушунчалар ва илмий категориялар сифатида иқтисодий фаоллик ва меҳнат фаолиятини фарқлаш зарур.

Иқтисодий фаол аҳоли - бу моддий неъматларни ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, хизматлар кўрсатиш ва истеъмол қадриятларини яратишда потенциал иштирок этиши мумкин бўлган шахслар (ишчи кучи) мажмуи яъни, бу аҳолининг даромад олиш мақсадида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун ишчи кучи таклифини таъминловчи қисмидир⁵.


ХМТ таснифига кўра ва Ўзбекистоннинг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий фаол аҳолини ҳисобга олиш учун белгиланган энг кам ёшдан (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси бўйича - 16 ёшдан пенсиягача) юқори

³ Mehnat iqtisodiyoti: Nazariya va amaliyot / Darslik. Kalandar Abdurahmonov. Qayta ishlangan va to'ldirilgan 3-nashri. T.: O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi «Fan» nashriyoti davlat korxonasi, T.: 2019.-544 b.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги «Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш, шу жумладан, уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш методикасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1011-сонли Қарори

⁵ https://studme.org/110903246263/ekonomika/predlozhenie_rabochey_sily_prostaya_rasshirennaya_modeli#784

бўлган аҳоли учта ўзаро истисно тоифага бўлинади: иш билан банд, ишсиз ва потенциал ишчи кучи (1-расм).



1-расм. Аҳолининг ишчи кучи ресурслари бўйича тузилиши⁶

Меҳнат ресурслари — меҳнатга лаёқатли ёшдаги, меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда банд бўлган, меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта шахслар⁷.

Иш билан банд бўлганлар ва ишсизлар маълум бир даврда ишчи кучи ёки фаол аҳолини ташкил қилади, бу маълум бир вақтда ишчи кучи таклифини ташкил этувчи шахслар сонини тавсифлайди. Учинчи тоифага (потенциал - ишчи кучидан ташқарида бўлган шахслар) ишсиз, изланмаган ва ишлашга тайёр бўлмаган, шу жумладан меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик бўлган одамларнинг қолдиқ гуруҳлари киради яъни, бу гуруҳ ҳозирги вақтда иқтисодий нофаол аҳолини ифодалайди. Бу муносабатни қуйидагича ифодалаш мумкин:

Аҳоли = Ишчи кучи ресурслари + ишчи кучи бўлмаган шахслар;


Иш кучи ресурслари = иқтисодий фаол аҳоли + иқтисодий нофаол аҳоли (потенциал)

Иқтисодий фаол аҳоли = Иш билан бандлар + Ишсизлар.

⁶ Муаллиф томонидан тузилди.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ўРҚ-642-сонли Қонуни

Яна бир муҳим кўрсаткич, иш билан банд аҳоли - ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилинган ишчи кучининг фаол қисмидир. Бандлик ва ўз-ўзини иш билан таъминлаш ўртасидаги фарқ бандлик нафақат иш ҳақи ёки маош, балки фойда ёки оила даромади учун ишлаш, шу жумладан юқорида айтилганидек, ўз истеъмоли учун ишлаб чиқариш эканлигини таъкидлаш мумкин. Бундай ёндашув, шунингдек, бандликнинг ҳар иккала иш турига тегишли атамалардан фойдаланиш имконини беради. Бироқ, бу фарқ бандлик мақомини баҳолаш имконини бермайди.



2-расм. Ўзбекистонда ишчи кучи ресурсларининг ҳолати бўйича таснифланиши⁸

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг берган маълумотларига қараганда, “2022 йилнинг 1 январь ҳолатида меҳнат ресурслари сони 19 345,0 минг кишини ташкил этиб, 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 101,1 фоизга ёки 202,6 минг кишига ошган. Иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони 13 538,9 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,3 фоизга (299,3 минг кишига) ошган.

2022 йилнинг 1 январь ҳолатида расмий секторда банд аҳоли сони 6 196,3 минг кишини ташкил қилиб, 2020 йилнинг шу даврига нисбатан юридик шахсларда банд бўлганлар сони 6,3 фоизга ёки 314,8 минг кишига ошгани кузатилди.

Норасмий секторда банд бўлганлар сони 5 885,5 минг кишини ташкил этиб, 2021 йилнинг 1 октябрь ҳолатига нисбатан 1,0 фоиз ёки 58,4 минг кишига камайган. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра ишга муҳтож бўлганларнинг умумий сони 1 441,8 минг кишини, ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳоли орасида 9,6 фоизни ташкил этди. 16-30 ёшгача бўлганлар орасида ишсизлик даражаси - 15,1 фоиз, аёллар орасида ишсизлик даражаси эса - 13,3 фоиз бўлди.

2022 йилнинг 1 январь ҳолатида республикамизда иқтисодий нофаол аҳоли 4 364,2 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,5 фоизга ёки 19,8 минг кишига ортиши кузатилди”⁹.

Хулоса ва таклифлар

Аҳолининг табиий ўсиши, уни такрор ишлаб чиқариш хусусияти кўпгина ҳолатлар билан мамлакатнинг индустриал тараққиёти ва урбанизация даражаси, ижтимоий

шарт-шароитлар, маданият ва маиший турмуш анъаналари, аниқ тарихий омиллар билан белгиланади. Улар жумласига демография омилини ҳисобга олган ҳолда ўй-жой шароитларини яхшилаш, болаларга нафақалар бериш, уларни болалар муассасалари билан таъминлаш, хомиладорлик ва бола туғилгандан кейинги таътилларни узайтириш, оилани мустаҳкамлаш, шунингдек, жамоада маънавий муҳитни яхшилаш киради.

Фикримизча, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ижтимоий муҳофаза қилиш жараёнида ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш бўйича бир қанча чоратadbирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– маҳаллаларда оилавий бизнес, кичик ва хусусий тadbиркорликнинг жадал ривожланишига кўмаклашиш. Бунда маҳаллий ҳокимиятлар, Савдо-саноат палатасининг жойлардаги бўлимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хусусан, прокуратура қошида ташкил қилинган департамент, юзага келган муаммога бевосита алоқадор ташкилотлар, фуқаролар йиғинлари ҳамкорликда фаолият олиб боришлари. Юзага келган тadbиркорлар муаммоларини биргаликда тезкор ҳал қилинишини таъминлашлари керак;

– маҳаллаларда ёшлар, аёллар ва аҳолининг бошқа ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари учун янги иш ўринларини яратиш орқали иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилишда ҳокимият ва маҳалла қўмиталарининг фаол иштирокини таъминлаш. Бундай тadbирларда тadbиркорлар вакиллари муаммони асосий бартараф этувчиси сифатида чиқадилар, янги иш ўринларини яратган тadbиркорлар ҳокимликлар томонидан қўллаб-қувватланиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-642-сонли қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги «Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш, шу жумладан, ўй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш методикасини такомиллаштириш тўғрисида» ВМ 1011-сонли қарори.

3. Mehnat iqtisodiyoti: Nazariya va amaliyot / Darslik. Kalandar Abdurahmonov. Qayta ishlangan va to'ldirilgan 3-nashri. T.: O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi «Fan» nashriyoti davlat korxonasi, T.: 2019.-544 b.

4. Р.Ж.Эренберг, Р.С.Смит Современная экономика труда: теория и государственная политика. М.:1996-й. 34-бет.

5. Mamaraximov B.E. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash jarayonida ishchi kuchiga bo'lgan talab va taklifni muvozanatlashtirishning asosiy yo'nalishlari. I.f.n. ilmiy darajasini olish uchun yozgan dissertatsiyasi avtoreferati. Toshkent -2012.

6. Мамарахимов, Б. Э. (2016). ОСОБЕННОСТИ РЫНКА РАБОЧЕЙ СИЛЫ. Ученый XXI века, (2-5).

7. https://studme.org/110903246263/ekonomika/predlozhenie_rabochey_sily_prost_aya_rashhirennaya_modeli#784

8. <https://mehnat.uz/uz/news/uzbekistonda-ishsizlik-darazhasi-96-foizni-tashkil-etdi>